

МИЛЛИЙ БИБЛИОГРАФИЯМИЗ – МАТБУОТ КЎЗГУСИ



Шоира Раҳимова,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Миллий
библиография
маълумотлари
базасини
шакллантириш
хизмати раҳбари

Миллий
библиография
бўлими
1965 йил 25 майда
маълумот-
библиография
бўлими негизда
ташkil этилган

Кай бир соҳанинг вакили бўлмасин унга чуқурроқ изланилиш зарур бўлса, шунчалик кўп миқдорда китобга, умуман олганда, манбага, у анъанавий китоб кўринишида ёки электрон кўринишида бўладими, мурожаат қилиши ҳамда ундан фойдаланиши керак бўлади. Бундай ҳолларда кутубхона, кутубхоначи ва библиография биринчи кўмакчи бўлади, кутубхонадаги манбалар ичида энг керагини тезда топиш, илмий-ижодий изланишлардаги самарали меҳнат ва вақтни тежаш кабиларда, кутубхонанинг библиографик аппарати ёрдамида библиографик хизмат кўрсатилади.

Библиография илмий ва техник хабарлардан фарқли ўлароқ, илмий назария, гоё, далиллар ҳақида эмас, балки улар ҳақидаги босма асарлар, шунингдек, электрон ресурслар тўғрисида маълумотлар бериб, илмий хабар билан бирга, илмий, маърифий ва тарбиявий вазифани бажаради. Бир сўз билан айтганда, библиография фойдаланувчиларга адабиётларни тарғиб қилиш орқали, фойдаланувчи ва адабиёт ўртасида муҳим кўприк вазифасини бажаради.

Миллий кутубхона мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш манфаатлари йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи умумдавлат универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Унинг бугунги кунда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш турларининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб бормоқда. Маълумот библиографик хизмат кўрсатиш турлари ҳам шулар жумласидандир.

Миллий кутубхонанинг 145 йиллик тарихига назар солсак, унда дастлаб ташкил этилишиданок, библиографик фаолият алоҳида ўрин тутиб келган. Миллий библиография бўлими 1965 йил 25 майда маълумот-библио-

графия бўлими негизда ташкил этилган. 1982 йилда маълумот-ахборот бўлими ташкил этилиши билан Миллий библиография бўлими Ўзбекистон Ва Қорақалпоғистон ўлкаларининг ўлкашунослик библиография иши билан шугулланган.

Хизмат томонидан республикада чоп этилган даврий нашрларнинг библиографик тавсифидан иборат «Ўрта Осиё китоб-журнал картотека»си (1957 йилгача бўлган маълумот), «Ўзбекистон» (1957–1991) картотекаси ташкил қилинган. «Ўзбекистон» картотекасининг давоми сифатида унинг иккинчи қисми 1991 йилдан «Мустақил Ўзбекистон» деб юритилган ва 2012 йилгача давом этган. Аҳолини ахборотга бўлган талабини қондириш ҳамда ахборот-ресурс базаларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида 2012 йилдан анъанавий тўлдириш ишлари тўхтатилиб, электрон маълумотлар базасини шакллантириш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1729-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сонли қарорлари асосида Китоб палатаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига қўшилгандан сўнг, «Ўзбекистон матбуоти солномаси»ни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган нашрларга китобнинг халқаро стандарт тартиб рақамини (ISBN) ва даврий нашрнинг халқаро стандарт тартиб рақамини (ISSN) бериш вазифалари миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизматига бириктирилди. Хизматнинг функционал вазифалари кўлами кенгайди ва улар қуйидагилардан иборат деб белгиланди:

- миллий кутубхонага олинган миллий ҳуж-

жатларнинг давлат библиографик ҳисобини олиб бориш;

- библиографик ахборот манбаларини (кундалик ва ретроспектив аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси, Мустақил Ўзбекистоннинг муҳим ва унутилмас саналар тақвими, биобиблиографиялар ва ҳ.к.) тузиш. Библиографик қўлланмалар сифати ва самарадорлигини ошириш;

- миллий кутубхонага олинган ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси асосида республика ҳудудиди ва хорижда нашр қилинган Ўзбекистон Республикаси тўғрисидаги миллий ҳужжатларнинг маълумотлар базасини шакллантириш;

- китобнинг халқаро стандарт тартиб рақами (ISBN) ва даврий нашрнинг халқаро стандарт тартиб рақами (ISSN) бериш;

- фойдаланувчилар, илмий ва ишлаб чиқариш жамоаларининг библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжларини тезкорлик билан қондириш;

- миллий маданият ва адабиётни библиография воситаси билан тарғиб қилиш;

- ўлкашунослик масалалари, ўлкашунослик маълумот-библиографик ишлари бўйича библиографик билимларни оширишда ахборот-кутубхона муассасаларига методик ёрдам бериш вазифалари шулар жумласидандир.

Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати Миллий кутубхонага олинган ҳужжатларнинг республика ҳудудиди ва хорижда нашр қилинган Ўзбе-

кистон Республикаси тўғрисидаги миллий ҳужжатларнинг маълумотлар базасини шакллантиради. У республикада чоп этилаётган газета ва журналлардан ўлкашуносликка оид фан соҳалари бўйича илмий аҳамиятга эга бўлган мақолаларни танлаб, аналитик тасвирини электрон маълумотлар базасида шакллантиради. Шунингдек, Миллий кутубхона фондига келиб тушган Россия Федерациясининг журналларидан Ўзбекистонга оид мақолалар ҳам мунтазам ўрганиб борилади. 2014 йил ҳисоботида кўра, 214 номдаги РФ журналлари кўриб чиқилиб, 31 та мақола олинди. Бундан ташқари, маълумотлар юклаб олиш чекланмаган хорижий электрон маълумотлар базалари – Oxford Art Online, eLIBRARY, J-STOR, EBSCO HOST, Proquest каби маълумотлар базалари ҳам ўрганилиб, инглиз тилидаги Ўзбекистонга тааллуқли жами 547 та маълумот тўлиқ матнда кўчириб олинди.

Хизмат томонидан тузилаётган кундалик ҳамда ретроспектив мазмунидаги электрон кўрсаткичларнинг барчаси ўлкашунослик мазмунида тузилган бўлиб, улар замирида барча фанлар мужассамлаштирилган. Айрим ёзувчи, шоир ёки алоҳида соҳаларда фаолият юритувчи олимларнинг библиографияси ҳамда муҳим саналарга бағишланган адабиётларнинг тавсиявий рўйхатларини тузиш ишлари электрон ресурсларни бойитишга хизмат қилади.

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон

Чекланмаган хорижий электрон маълумотлар базалари ўрганилиб, инглиз тилидаги Ўзбекистонга тааллуқли жами 547 та маълумот тўлиқ матнда кўчириб олинди



Ўзбекистон матбуоти солномаси ва босма нашрлар библиографик манбаларининг 1928 – 2004 йиллар оралигидаги кўрсаткичлари



Миллий кутубхонаси Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган нашрларнинг давлат библиографик ҳисобини юритиш белгилаб қўйилган ва ушбу вазифани бажариш Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати томонидан олиб борилмоқда. Мазкур вазифани бажаришни республика бўйича таъминлашдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги Қарор билан тасдиқланган Низом юзага келди.

«Миллий кутубхона – ахборот ресурс маркази томонидан ахборот-кутубхона муассасаларининг ташкилий-методик фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ўзаро алоқани таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2014 йил 20 феврал, 76-МҲ-сон Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона муассасалари билан ўзаро алоқасини таъминлаш ҳақидаги 3-бобининг 10-моддасида «ахборот-кутубхона марказлари томонидан тегишли ҳудудда чиқариладиган нашрларнинг мажбурий нусхаси асосида уларнинг ҳудудий библиографик ҳисобини юритиш ва ҳар чоракда мазкур нашрлар ҳақидаги библиографик маълумотларни Миллий кутубхонага тақдим этилишини таъминлаш орқали Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган нашрларнинг давлат библиографик ҳисобини юритиш» вазифаси белгилаб қўйилди.

Ушбу Низом талаблари бажарилишини назорат қилиш Республика методик кенгаши томонидан амалга оширилади. Мазкур Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт иш-

лари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Миллий кутубхона томонидан келишилган.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатларга асосан Миллий кутубхона Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизматининг Республикада фаолият юритувчи ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликда библиография соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни йўлга қўйиш мақсадида, Миллий кутубхона директори томонидан Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизматининг жойларда хизмат сафарини ташкил қилиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруққа мувофиқ хизмат томонидан «Ўзбекистон матбуоти солномаси»ни тайёрлашда, Республика бўйича тўлиқ давлат библиографиясини юритиш, ахборот кутубхона муассасаларида ўлкашунослик библиографияси соҳасида олиб борилаётган ишларни яқиндан ўрганиб, ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказларининг библиограф мутахассислари билан жойларда семинарлар ташкил қилинди. Тадбир Қорақалпоғистон Республикасини жалб қилган ҳолда, Хоразм вилоятида, Андижон ва Наманган вилоятларини жалб қилган ҳолда, Фарғона вилоятида, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Жойлардаги ахборот-кутубхона марказларининг библиографик фаолияти билан яқиндан танишиб, тўлдирилаётган анъанавий ва электрон каталог, картотекалар чуқур ўрганилди. Ахборот-кутубхона марказларида фойдаланувчиларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданият, маънавиятга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолаш мумкин. Лекин шу ўринда библиографик тавсифларнинг тўлиқ Ўзбекистон Давлат стандартлари талаблари даражасида олиб борилмаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Ҳудудлардаги деярли барча ахборот-ресурс марказларида ҳатто картотекалар юритилмаётганлигига гувоҳ бўлдик. Шунга кўра, мутахассислар учун газета, журнал, конференция тўпламлари, бюллетенларнинг библиографик ёзувларининг тўғри юритилиши юзасидан O'z DSt 1215:2009 асосида амалий машғулотлар ўтказилди. Миллий кутубхона билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари ҳамда ахборот-ресурс марказларининг биргаликда Ўзбекистон Давлат стандартла-

2012 йилдан маълумотларни анъанавий тўлдириш ишлари тўхтатилиб, электрон маълумотлар базасини шакллантириш йўлга қўйилган



рига мувофиқ иш олиб бориши бугунги кун талабидир.

Миллий кутубхона республикадаги барча ахборот-кутубхона муассасалари учун методик марказ ҳисобланади ва уларга методик ёрдам сифатида www.natlib.uz сайтида соҳага доир меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Давлат стандартларининг тўлиқ матни яратилган. Мутахассислар мазкур меъёрий ҳужжатлар, стандартлар, методик қўлланмалар, тавсия ва бошқа библиографик кўрсаткичлар билан батафсил танишишлари ҳамда юқлаб олиш имкониятига эгадирлар.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-кутубхона муассасаларида библиография хизмати ни самарали ташкил этиш ва олиб бориш куйидаги вазифалардан иборат:

- мутахассисларнинг библиографик ма-лакасини ошириш;
- библиография ишини ташкил қилиш ва олиб бориш юзасидан семинар ва конференциялар ташкил этиш;

- ахборот-кутубхона муассасаларида библиограф штат бирлигини кўпайтириш;
- МБАни ташкил этиш, юритиш ва такомиллаштириб бориш;
- фойдаланувчиларининг талаб ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб бориш;
- ахборот-кутубхона муассасаси жойлашган ҳудуддаги бошқа АКМ, АРМ ва кутубхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш;
- ахборот-кутубхона муассасалари ҳудудий библиографик ҳисобини юритиш ва ҳар чоракда мазкур нашрлар ҳақидаги библиографик маълумотларни Миллий кутубхонага тақдим этилишини таъминлаш;
- ахборот-библиография хизмати самарадорлигини мунтазам ўрганиб бориш;
- ахборот-библиографик фаолиятда янги ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга эришиш;
- дастурий таъминот ва электрон маълумотлар базаларини такомиллаштириш.

Ушбу «Китоб солномаси» 1938 йилда нашр этилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, бадий ва ҳуқуқий адабиётларга оид маълумотларни жамлаган

Шоира Раҳимова, руководитель службы формирования национальных библиографических баз данных Национальной библиотеки Узбекистана

Современный библиограф – это ведущий специалист любой библиотеки, предоставляющий широкий спектр научно-информационных и справочно-библиографических услуг как пользователям библиотек, так и сотрудникам этих учреждений.

В статье рассмотрены вопросы организации деятельности службы формирования национальных библиографических баз данных Национальной библиотеки Узбекистана, в задачи которой входит регулярное пополнение электронной базы данных Автоматизированной информационно-библиотечной системы материалами периодических изданий краеведческого характера и присваивание республиканским изданиям международных стандартных номеров ISBN и ISSN.

В статье также дается краткий обзор истории библиографической деятельности Национальной библиотеки Узбекистана, рассмотрены функциональные обязанности службы и задачи по организации и ведению эффективной библиографической работы в информационно-библиотечных учреждениях республики. ■